

Буюк аждодларга муносиб ворислик



янада бойитиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари сўзга чиқиб, қуйидагиларни таъкидлади:

– Биз аждодларимиз ила фахрланамиз, шу билан бирга, уларга муносиб авлод бўлишимиз лозим. Бугун дунёга буюк алломаларни етказиб берган халқ эканимизни, уларга ҳақиқий издошлигимизни исботлайдиган вақт келди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бизни ушбу улуғвор мақсад атрофида янада жипслаштиради. Мазкур масканда бунинг учун барча шароитлар муҳайё этилади, етук уламолар иштирокида учрашувлар ўтказилади, илмий суҳбатлар қурилади.

6-бетда

Жорий йилнинг 3–4 июль кунлари пойтахтимизда “Буюк аждодлар мероси – III Ренессанс пойдевори” мавзуида Ўзбекистон олимлари анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси

марказини янги Ренессанснинг маънавий-маърифий устунларидан бирига айлантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, маънавий-маърифий соҳадаги ишларни юксалтириш, давлатимиз раҳбари қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, марказ қошидаги музей экспонатларини

Муҳим саналар

Йил бўйи кенгчилик кафолати



Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким Ашуро кунда аҳли**

аёлига кенглик қилса, Аллоҳ таоло унга йилнинг қолганини кенг қилади”, дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

“Кашфул хофа” китобида айтилади: “Имом Ҳофиз Суютий раҳматуллоҳи алайҳ “ад-Дураул-мунтабир” китобида бу ҳадисни саҳиҳ собит бўлган, деган”. Имом Байҳақий “Шуабул-иймон” китобида Абу Саид Худрий, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Жобир розияллоҳу анхумдан заиф санадлар билан ривоят қилган. Бу ривоятлар бир-бирига қўшиладиган бўлса, қувватланади.

“Кенгчилик қилиш” ҳадисини ишончли ровийлар ривоят қилишган. Ҳа, кенгчилик қилиш ҳадиси худди Ҳофиз Суютий айтганларидек, саҳиҳ собит бўлган (“Ҳошияту Ибн Обидийн”).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким Ашуро кун аҳли аёлига нафақада кенгчилик қилса, Аллоҳ унга йилнинг қолганини кенг қилади**”, дедилар (Имом Розийн ривояти).

5-бетда

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 24 июнь. Россия Федерацияси Свердловск вилояти мусулмонлари диний бошқармаси “Марказий муфтийлик” қароргоҳида муфтий Абдулқуддус Ашарин бошчилигидаги Урал мусулмонларининг Ўзбекистон Республикаси делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

✓ 28 июнь. БААнинг “Ҳидоя” экстремизмга қарши курашиш маркази раиси Доктор Али Рошид ал-Нуаймий бошчилигидаги делегацияси юртимизга ташрифи доирасида Тошкент ислом институти ва Фатво маркази фаолияти билан танишди.

✓ 2 июль. Саудия Арабистони Подшоҳлиги Шўро кенгашининг “Саудия-Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик қўмитаси раиси Муҳаммад ибн Абдулазиз Жарба бошчилигидаги делегация Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти билан танишди.

✓ 9 июль. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасалари 2024-2025 ўқув йили қабул имтиҳонларига тайёргарлик ишлари билан танишди.

✓ 9 июль. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков Италия Ислом дини жамияти вице-президенти Имом Яҳё Паллавичини билан учрашув ўтказиб, мулоқот якунида икки томонлама Англашув меморандуми имзоланди.

Мусулмоннинг қўрғони

«Аллоҳумма инний аъузузубика би ғиззатика лаа илааҳа иллаа Анта ан тузилланий, Антал Ҳайюл лазий лаа ямууту. Вал жинну вал инсу ямуутуун».

«Аллоҳим! Сенинг иззатинг ила, Сендан ўзга илоҳ йўқ, мени залолатга кетказишингдан паноҳ сўрайман. Сен ўлмайдиган, тирик Зотсан. Жинну инслар ўладилар».

«Аллоҳумма лака асламту ва бика ааманту ва ғалайка таваккалту ва илайка анабту ва бика хоосомту».

«Аллоҳим! Сенга таслим бўлдим. Сенга иймон келтирдим. Сенга таваккул қилдим. Сенга тавба қилдим. Сен ила хусумат қилдим» (Иккисини Имом Муслим ривоят қилган).

Аллоҳни мудом ёд этинг

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинглари ва эртаю кеч Унинг поклигини ёд этинглари. Сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун У сизларга марҳамат айлайди ва фаришталари сизлар учун истиғфор айтишади. У мўминларга меҳрибондир» (Аҳзоб сураси, 41–43-оятлар).

Мўмин банда гоҳо Аллоҳ таолонинг зикрини унутиб қўяди. Шунинг учун Аллоҳ таоло мўминларга Ўзини мунтазам равишда ёд этишни, зикр қилишни амр этади.

Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Албатта, қалб темир**

Вожиб амаллар

занглагани каби занглайди», дедилар. «Унинг жилоси нима билан бўлади?» дейилди. У зот: **«Аллоҳни кўп зикр қилиш ва Унинг Китобини тиловат қилиш билан бўлади»**, дедилар.

«Эртаю кеч Унинг поклигини ёд этинг», яъни давомли зикр этинг. Мушриклар нисбат берган айб ва нуқсонлардан Аллоҳ таолонинг поклигини ёд этиш «Субҳаналлоҳ» калимасини айтиш билан бўлади.

«Сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун У сизларга марҳамат айлайди ва фаришталари сизлар учун истиғфор айтишади». Яъни, У сизларга марҳамат айлайди, сизлар эса Уни ёд этмайсизлар. Бунда айрим мўминлар учун Аллоҳ таолони зикр қилишга, тасбеҳ айтишга ундов бор.

«У мўминларга меҳрибондир». Бу ояти карима мўминлар учун улкан башоратдир.

Аллоҳ таоло **«Сизнинг олдинги**

ва охирги гуноҳларингизни кечирингиз» оятини нозил қилганда, мўминлар: «Бу сиз учун, биз учун нима бор?» дейишди. Шунда **«Эй Муҳаммад, мўминларга хушхабар беринг, албатта, улар учун Аллоҳ томонидан катта фазл бордир»** ояти нозил бўлди. Буни эшитган мунофиқлар: «Бизга нима нозил бўлди?» деганларида (Нисо сурасининг 138-): **«Мунофиқларга башорат беринг, албатта, улар учун аламли азоб бордир»** ояти нозил бўлди.

Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Имом Абу Дардо раҳимахумуллох ривоят қилади: «Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилдилар: **«Сизларга амалларингизни энг яхшиси Раббингиз ҳузурида энг покизаси, даражаларингизни олий қилувчироғи ва сизлар учун олтин кумушларни беришдан кўра яхшироғи, душманингизга йўлиқиб, улар билан урушишдан кўра яхшироғининг хабарини**



берайми?» Саҳобалар: «У нима, ё Расулulloх?» дейишди. У зот: **«У Аллоҳ азза ва жалланинг зикридир»**, дедилар».

«Тафсири Қуртубий» ва «Тафсири Мунир» асарлари асосида «Қўқалдош» ўрта махсус ислом билим юрти мударриси Авазбек ЖУМАОБОВ тайёрлади.

Имомдан аввал такбир айтиш

Икки ҳайитнинг зиёда такбирлари вожибдир. Агар бу такбирлардан бирортаси тарк этилса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Лекин жамоат кўплиги сабабидан икки ҳайит намозида саждаи саҳв қилмасликка фатво берилган. Агар жамоат катта бўлмаса, одамларнинг намозларига ҳалал етмаса, икки ҳайит намозида ҳам саждаи саҳв қилинади (**«Таҳтовий»**).

Баъзи имомлар такбир айтишда «Аллоҳу акбар» деб катта хатога йўл қўядилар. Яъни, «ба» ва «ро»нинг орасига алиф қўшиб юбордилар. Худди шундай, баъзи имомлар «Аллоҳ» лафзининг алифини чўзиб, «ААллоҳу акбар» дейишади. Бу икки ҳолатда ҳам намоз бузилади. Агар таҳрима такбири ҳам шундай айtilса, намозга киришган ҳисобланмайди (**«Сағирий»**, **«Фатавойи Оламгирия»**).

Баъзи кишилар имом такбири таҳрима айтишидан олдин, яъни «Аллоҳу акбар» дейишидан олдин намозга ният қилиб «Аллоҳу акбар» деб айтиб қўяди ёки имом «Аллоҳ» лафзини айтиб бўлишидан олдин «Аллоҳ» лафзини айтиб бўлади. Шу икки ҳолатда ҳам унинг иқтидоси дуруст бўлмайди. Бу ҳолатда қайта ният қилиб имомга иқтидо қилиши лозим (**«Сағирий»**, **«Фатавойи Оламгирия»**).

Баъзи кишилар имом руку ҳолатида турганида эргашиш ниятида «Аллоҳу акбар»ни тик турган ҳолатда эмас, балки рукуга эгилиш пайтида айтишади. Уларнинг иқтидоси дуруст бўлмайди. Чунки такбири таҳримани тик турган ҳолатда айтиш фарздир (**«Сағирий»**, **«Фатавойи Оламгирия»**).

Фарз намозларининг таҳрима такбирини тик туриб айта олишга қуввати етадиган киши, уни тик турган ҳолатда айтиши лозим. Тик туришда қаттиқ машаққат ва чидаб бўлмайдиган оғриқ бўлмаса, фарз намозни ўтириб ўқиш жоиз эмас (**«Раддул мухтор»**).

Намозда таъаввузни ёки бисмиллаҳни ёхуд «Сано»ни эсдан чиқариб айтмаган кишига саждаи саҳв вожиб бўлмайди (**«Фатавойи Оламгирия»**).

Руку ёки сажда тасбеҳи ўрнига «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» деб юборган кишига саждаи саҳв вожиб бўлмайди (**«Фатавойи Оламгирия»**).

Намозда Фотиҳа сурасини тугатгач, «омин» дейиш ўрнига «амн», «имийн» ёки «аамн» деган кишининг намози бузилади.

Намоз ўқиётган киши намоздан ташқарида дуо қилаётган

кишининг дуосига «омин» деса намози бузилади (**«Фатавойи Оламгирия»**).

Намоз ўқиётган киши акса урса, унга намозда бўлмаган киши «ярҳамукаллоҳ» деса, намоз ўқиётган киши «омин» деса, намози бузилади (**«Фатавойи Оламгирия»**).

Бирор киши акса урса, унга намоз ўқиётган бошқаси «ярҳамукаллоҳ» деса, унинг намози бузилади. Агар намоз ўқиётган киши акса уриб, ўзига «ярҳамукаллоҳ» деса, у ҳолда намози бузилмайди (**«Фатавойи Оламгирия»**).

Хурсандчилик хабари етказилганида намоз ўқиётган киши унга жавоб тарзида «Алҳамдулиллаҳ» деса, намози бузилади. Агар мақсади жавоб қайтариш эмас, балки ўзининг намозда эканлигини билдириш бўлса, намози бузилмайди (**«Фатавойи Оламгирия»**).

Ёмон хабар етказилганида намоз ўқиётган киши хабарга жавоб қайтариш мақсадида «Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи роожиъуун» деса намози бузилади (**«Фатавойи Оламгирия»**).

Намоз ўқиётган киши унга ҳақиқат бераётган одамга намозда эканини билдириш мақсадида «Субҳаналлоҳ» ёки «Ла илаҳа


иллаллоҳ» деса, намози бузилмайди (**«Фатавойи Қозихон»**).

Бирор киши намоз ўқиётиб, бошқа бировга иш буюриш мақсадида ёки бирор ишдан қайтариш мақсадида «Субҳаналлоҳ» ёки «Ла илаҳа иллаллоҳ» деса, намози бузилади. Агар фақат қироатда овозини кўтарса, намоз бузилмайди (**«Раддул мухтор»**).

Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг «Саждаи саҳв масалалари» китобидан



Қуръони карим номлари: “ал-Мураттал”



«Қуръонни тартил билан тило-
ват қил» (Намл сураси, 4-оят).

“Қуръонни дон-дона қилиб, ҳар
бир ҳарфини ўз ўрнидан чиқариб,
оятларини алоҳида-алоҳида қилиб,
тажвид қоидалари асосида ўқишга
тартил дейилади” (“Тафсири Ҳилол”).

Ибн Аббос розияллоху анхумо-
га кўра, тартил – Қуръонни шошил-
масдан, виқор билан ўқишдир. Бу
ўқишда оятлар аниқ-равшан бўли-
ши лозим.

Абу Лайс Самарқандийнинг кел-
тиришича, Ҳасан Басрийга кўра,
Қуръонни тартил билан ўқиш –
уни аниқ-равшан қироат қилиш-
дир. Заҳҳок эса ҳар бир ҳарфига
этибор қаратиб ўқиш тартил эка-
нини айтади. Мужоҳиддан ривоят
қилинишича, одамларнинг қироат
масаласида Аллоҳ таолога энг се-
вимлиси ўқиган нарсаси бораси-
да ақл юритганидир.

Имом Насафий ва Замахша-
рий ҳам шошилмай ўқишда ҳарф-
ларни аниқ талаффуз қилиш, Қур-
ъондаги вақфларга риоя этиш ва

ҳаракатларни мароми-
га етказиш кераклиги,
уни вайсаш каби сўз-
ларни бир-бирига қў-
шиб ўқиб кетиш мум-
кин эмаслигини айтиш-
ган. Ойша розияллоху
анҳо Расулulloҳ сол-
лаллоху алайҳи ва сал-
ламнинг қироатлари
ҳақида бундай деган: “Сизларнинг
суриб кетишларингиз каби эмас. Агар
эшитувчи унинг (у зот ўқиган оят-
ларнинг) ҳарфларини санамоқчи бўл-
са, санай оларди”.

Имом Мотуридийнинг келти-
ришича, тартил – луғатда “табйин”
(очик-равшан қилиш)дир. Шунинг
учун ҳам Қуръонни очик-равшан
қилиб ўқиш буюрилди.

Қуръон қироатида оятлардан
воқиф бўлишга ҳаракат қилиш ло-
зим. Чунки шундай қилиш оятлар-
ни фаҳмлашда энг муносиб йўлдир.
Асл ҳақиқат шуки, Қуръонга яхши-
лаб қулоқ тутилса, унинг гўзал ни-
зоми, ажиб ҳикматлари ва маъно-
ларидан воқиф бўлинади.

Демак, Қуръонни тартил би-
лан қироат қилиш шошилмасдан
ва виқор билан ўқиш, аниқ-рав-
шан баён қилиш, ҳар бир ҳарф-
га алоҳида этибор бериш, ўқи-
ган нарсаси борасида ақл юритиб,
ундаги маънолардан воқиф бўлиш
каби хусусиятларни ўзида жам-
лайди. Бошқача айтганда, тар-
тил – Қуръондан баҳра олишдир.

Жўрабек ЧЎТМАТОВ,

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот
маркази катта илмий ходими,
ЎХИА ҳузуридаги Малака ошириш
марказининг Сурхондарё вилояти
минтақавий филиали
катта ўқитувчиси

Огоҳлик

Мазҳабсизлик залолатдир

Бугунги кунда мазҳабсизликни
даъво қилаётган баъзи тоифалар-
нинг мақсади мусулмонлар бир-
лигига раҳна солишдан ўзга нарса
эмас. Аслида уларнинг ўзлари ҳам
намоз ва бошқа ибодатларда тўрт
мазҳаб имомларидан бирига эр-
гашадилар. Мазҳабга эргашиш за-
лолатдан узоқ бўлмоқдир. Мазҳаб-
сизлик тарафдорлари ўз даъвола-
рини асослашда ихтилоф ва тақ-
лид ибораларига алоҳида урғу
берадилар.

Исломда ихтилоф ақидавий
ва фикҳий йўналишларга хосдир.
Ақидавий ихтилоф мусулмонлар
ички бирлигининг заифлашуви,
турли тоифаларга бўлиниб кетиш-
дек салбий оқибатларга сабаб бўл-
ган. Бунинг оқибатида хорижий,
мўътазилий, қадарий, жабарий ва
муржий каби кўплаб тоифалар ву-
жудга келган.

Фикҳий ихтилофлар эса мутлақо
бошқа мазмунга эга бўлиб, мазҳаб-
ларнинг ибодат, ижтимоий-иқти-
содий ва ҳуқуқий муносабатлар-
га турлича ёндашувининг нати-
жаси ўлароқ вужудга келган. Бун-
дай ҳолат асло нуқсон ёки ихтилоф
манбаи сифатида талқин этили-
ши мумкин эмас. Аксинча, Ислом
шариатининг барча ҳукмлари за-
мон ва маконга мос келиши ҳамда

мусулмонлар учун кенг имконият-
лар мавжудлигидан далолат бера-
ди. Масалан, бирор-бир манзилга
турли томонлардан бориш имко-
ни бўлса, йўловчи энг яқин ва қу-
лай йўлни танлайди. Бирор-бир
мазҳабни тутиш ҳам айнан шун-
дай ҳолатга қиёсланиши мумкин.
Зеро, уларда у ёки бу масала му-
айян халқ, миллатнинг урф-одат-
лари, қадриятлари, менталите-
ти ҳамда ижтимоий муносабат-
ларнинг табиатидан келиб чиқиб
энг қулай ва маъқул шаклда ҳал
қилинган.

Ислом уламоларининг итти-
фоқига кўра, диннинг аслига та-
аллуқли бўлган ақидавий масала-
ларда тақлид қилиш мумкин эмас.
Унинг акси ўлароқ, фикҳий маса-
лаларда эса бирор-бир мазҳабга
эргашиш, яъни тақлид қилиш ло-
зим бўлади.

Шайх Рамазон Бутий айтади:
“Мазҳабсизлик диндан чиқиб ке-
тишга олиб боровчи кўприқдир”.
Бундай ҳаракатлар эса ҳадислар-
да ва уламоларнинг асарларида
қатъий қораланган. Қайд этилган
мулоҳазалар “Қуръон ва ҳадисга-
гина амал қиламиз”, дея ўзлари-
ни мужтаҳид билиб, фикҳий маз-
ҳабларни инкор қилаётганлар, ас-
лида бу ҳаракатлари билан диний

бирлик ва ақидавий якдилликка
рахна солаётганини исботлайди.

Қолаверса, бундай иддаолар
асрлар давомида мавжуд бўлиб ке-
лаётган мазҳаблар асосчилари ва
уларнинг таълимотларига нисба-
тан бўхтон бўлиб, мусулмон шах-
сини адаштиришга қаратилгандир.

Хулоса қилиб айтганда, дини-
миздаги мазҳабларнинг турли-ту-
манлиги ноқис ҳолда бўлмасдан,
балки бир ҳикматдир. Бу уммат
учун енгиллик ва осонликдир.
Аммо бу ҳикматни тушунмасдан
ихтилоф чиқариш эса катта муси-
бат ҳисобланади. Бу англашил-
мовчиликдан биринчи навбатда
мусулмонлар зарар кўришаётир.
Айтиб ўтиш керак, ихтилоф чиқа-
рувчилар таъсирига тушиб қола-
ётганларнинг аксариятини ёшлар
ташқил қилади. Уларда диний би-
лим етишмаслиги, қолаверса, ҳаё-
тий тажрибасизлик ёлғон чақи-
риқларга алданиб қолишларига
сабаб бўлмоқда. Зотан, ёш авлод-
ни илм-маърифатли, кенг дунёқа-
рашга эга инсонлар этиб тарбия-
лашга масъулият билан ёндашиш
давр талаби ҳисобланади.

Маҳмуджон РАҲИМЖОНОВ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтини талабаси

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Бир киши
масжидда суннат намозини
ўқий бошлаганда иқомат
такбири айтиб юборилса,
нима қилади?

ЖАВОБ: Икки ракат
ўқиб, намозини тугатади
ва жамоатга қўшилади.

“Агар намозхон нафл
(суннат ҳам нафллар си-
расига киради) намозга
киришгандан кейин фарз
намозга такбир айтилиб
қолса, бошлаган намози-
ни икки ракат қилиб та-
момлайди. Ундан кўп ўқи-
майди (масалан, тўрт ра-
кат нафлга ният қилган
бўлса ҳам икки ракат би-
лан тугатади). “Муҳити Са-
рахсий”да шундай келган”
 (“Фатавойи Оламгирия”).

САВОЛ: “Фарзандим
соғ-саломат туғилса, бит-
та қўй сўяман”, деб назр қил-
гандим. Аммо қарздор бў-
либ қолдим. Бундай ҳолат-
да нима қилсам бўлади?

ЖАВОБ: Бирор нарса-
ни назр қилган инсон ўша-
ни адо қилмагунича унинг
зиммасидан назр соқит
бўлмайди. Қарзингиздан
халос бўлгач, назрингиз-
ни, албатта, адо қилинг.

“Нимани назр қил-
ган бўлса, ўша нарса
зиммасига лозим бўла-
ди” (“Қозихон”, “Фатавойи
Оламгирия”).

САВОЛ: Иситмаси чиқ-
қан кишига: “Аллоҳ таоло гу-
ноҳларингизни кечиради”, дейи-
шади. Шу гап тўғрими?

ЖАВОБ: Жобир ибн
Абдуллоҳ розияллоху
анҳудан ривоят қилина-
ди: «Расулulloҳ соллаллоху
алайҳи ва саллам Умму Со-
ибнинг (ёки Умму Мусайяб-
нинг) ҳузурига кириб: “Сизга
нима бўлди, эй Умму Соиб,
(ёки Умму Мусайяб) қалти-
раяписиз?” дедилар. У: “Қуриб
кетгур иситма”, деди. У зот
алайҳиссалом: “Иситмани
сўкманг, чунки у одамзод-
нинг гуноҳларини худди
темирчининг босқони те-
мирнинг зангини кетказга-
нидек кетказади”, дедилар»
(Имом Муслим ривояти).

5-бетда

Жаҳолатга қарши – маърифат

Аҳли сунна вал жамоа уламо-лари ҳар бир даврда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиб келганлар. Адашган фирқаларнинг хатоларини тушунтириб, уларни тўғри йўлга солишга, мусулмонларнинг бирдамлигию тинч-тотувлигини сақлаб қолишга астойдил ҳаракат қилишган.

Бунга илк хаворижлар билан Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо ўртасида бўлиб ўтган баҳс ёрқин далилдир. Маълумки, хавориж фирқаси ўзларига қарши бўлганларни кофирга чиқариб, уларнинг қонини ҳалол санашган. Ўзларига қарши чиқувчиларнинг диёрларини “Дорул ҳарб” (мусулмон бўлмаган диёр) деб номлашди. Улар Али розияллоҳу анхунинг “таҳким” (Муовия розияллоҳу анху билан битим) ни қабул қилишини куфр деб билишган. Яъни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тарбияларини олиб улғайган, тирклигидаёқ жаннат башорати берилган “Ашараи мубашшара” (жаннатий экани айтилган ўн киши)дан бири бўлган зотни кофир деб эълон қилишган. Али розияллоҳу анху ўзларига нисбатан бундай ҳукм чиқарган шоввозларнинг даъволарига жавоб бериш ва уларни тўғри йўлга солиш учун Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумони элчи қилиб юборган. Ибн Аббос ва хавориж етакчилари ўртасида қуйидаги баҳс-мунозара бўлиб ўтган:

«Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо улардан сўради: “Уни (яъни мўминлар амири Али розияллоҳу анхуни) нимада айблайсизлар?” Хаворижлар жавоб берди: “Уч нарсада: биринчиси, Аллоҳнинг амри бўлган нарсада кишиларни ҳакам қилди. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло: “**Хукм фақат Аллоҳ ихтиёридадир**” деган (Юсуф сураси, 40-оят); иккинчиси, Али урушди-ю, лекин ўлжа ҳам олмади, таҳқирлагани ҳам йўқ. Агар нариги тараф мўмин бўлсалар, улар билан урушиш ҳалол эмас. Агар кофир бўлсалар, улар билан урушиш ҳам, уларни таҳқирлаш ҳам ҳалол бўларди; учинчиси, барча мўминларнинг амири бўлишидан воз кечди. Агар у мўминларнинг амири бўлмаса, кофирларнинг амири бўлади-да!”

– Агар сизларга Аллоҳнинг Китобидан ва Расулунинг суннати-дан гапларингиз хато эканига далил келтирсам, бу йўлингиздан қайтасизларми?

– Нега қайтмас эканмиз?!

– Аллоҳнинг амрида кишиларнинг ҳукм қилишига келадиган бўлсак, Аллоҳ таолонинг Ўзи Китобида бундай деган: “**Эй иймон келтирганлар! Эҳромда бўлатуриб, овни ўлдирмангиз! Сизлардан кимки уни қасддан ўлдирса, (жазоси) худди (хонаки) ҳайвон ўлдириш билан баробар жазодир: у (ҳам бўлса) Каъбага (юриб) бора оладиган қурбонлик бўлиб,**

унга ўзларингиздан икки адолатли киши ҳакамлик қилур” (Моида сураси, 95-оят).

Бошқа бир оятда эр-хотин ҳақида: “**Агар у (эр-хотин)ларнинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборингиз. Агар (эр-хотин) ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштиргай**”, деган (Нисо сураси, 35-оят). Демак, Аллоҳ таоло ҳакамликни кишиларга топширган. Сизлардан Аллоҳ ҳаққи сўрайман, айтинглари-чи, мусулмонларнинг қони ва ораларидаги ислоҳ тўғрисида кишиларнинг ҳакам бўлишлари афзалми ёки нархи тўрт дирҳам бўлган қуён тўғрисида ва хотин билан яшаш тўғрисида ҳакам бўлишлари афзалми?

– Йўқ, албатта, бу афзал.

– Сизларни бу фикрдан қайтардимми?

– Ҳа, албатта.

– Сизларнинг урушди-ю, лекин ўлжа ҳам олмади, таҳқирлагани ҳам йўқ, деган сўзингизга келсак, нима, оналарингиз Ойшанинг таҳқирланишини хоҳлайсизми? Агар онамиз эмас десангиз, кофир бўласиз. (Агар онамиз десангиз, қилаётган даъвоингизни ўзингиз инкор қилган бўласиз.) Сизлар шу икки залолат орасида иккиланиб қолгансиз. Сизларни бу фикрдан қайтардимми?

– Ҳа, албатта.

– У мўминларнинг амири бўлишидан воз кечди, деган сўзингизга

келсак, сизлар рози бўладиган бир нарсани айтаман. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Худайбия куни Абу Суфён ва Суҳайл ибн Амр билан сулҳ тузаётганларида Алига: “Бу Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад сулҳ тузган нарсалар, деб ёз”, дедилар. Шунда Суҳайл ибн Амр: “Сени Аллоҳнинг элчиси деб билмаймиз. Агар сени Аллоҳнинг элчиси деб билганимизда, сен билан урушмас эдик”, деди. У зот: “Аллоҳим, Сенинг элчинг эканимни Ўзинг биласан”, дедилар-да: “Эй Али, (ёзганингни) ўчириб ташла ва: “Бу Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳамда Абу Суфён ва Суҳайл ибн Амрлар сулҳ тузган нарсалар” деб ёз”, дедилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари иккинчи томоннинг талабига биноан “Муҳаммад – Аллоҳнинг элчиси” деган ёзувнинг ўрнига “Муҳаммад ибн Абдуллоҳ” деб ёздирган эканлар, нега энди Али розияллоҳу анху ўзини халифалиқдан бўшатиши мумкин бўлмасин?!»

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумонинг бу гапларидан кейин икки мингдан зиёд киши хавориж фирқасидан қайтишди.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти

Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси

доценти,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Мусулмон одоби

Ислом таълимотида мусулмонлар риоя қилиши зарур бўлган бир қанча одоблар бор. Қуйида уйга кириш одобини ўрганамиз.

Биринчи одоб. Эшикни секинроқ тақиллатиш.

Уйга киришда эшикни секинроқ тақиллатиш ёки қўнғироқни оҳиста босиш керак. Чунки эшикни қўпол тақиллатиш, қўнғироқни кетма-кет ёки узлуксиз узоқ босиш хонадон аҳлининг юрагига ғулғула ва хавотир солиши мумкин.

Иккинчи одоб. Уй ичидагиларга кирганини билдириш.

Уй ичидагилар чўчиб кетмаслиги, кирган одамнинг олдида кутилмаганда ноқулай ҳолатга тушиб қолмаслиги учун уйга кирганини сездириб қўйиш керак. Индамасдан билдирмай кириш эса пойлоқчилик бўлиб, кишида шубҳа уйғотади. Имом Аҳмад ибн Ханбал раҳматуллоҳи алайҳ: “Киши уйга кирса, йўталиши ёки оёқ кийимини ерга уриб қўйиши мустаҳабдир”, деган.

Ўзаро меҳр-муҳаббатни кучайтиради

Омир ибн Абдуллоҳ ибн Масъуд: “Отам уйга кирсалар, уйдигилар яхши кўрадиган нарсаларни сўзлар ва овозларини кўтарар эдилар”, деган.

Учинчи одоб. Ўнг оёқ билан кириш.

Ҳар бир ишни ўнг томондан бошлаш суннат экани маълум ва машҳур. Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларидан келганича барча ишларни ўнг томондан бошлар эдилар” (Имом Насоий ривояти).

Тўртинчи одоб. Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилиш.

Уйга киришдан олдин Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилиш уйни ва уй эгаларини шайтондан сақлайди. Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Киши уйга кирганда, таомланаётганда Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилса, шайтон: “Бу ерда бизга бошпана ҳам, таом ҳам йўқ”, дейди. Мабодо уйга кирсаю Аллоҳ таолони зикр қилмаса, шайтон: “Бошпана топдик”, дейди. Овқатланишдан олдин ҳам Аллоҳ таолони зикр қилмаса, “Бошпана ҳам топдик, таом ҳам топдик” дейди**» деганлар (Имом Муслим ривояти).

Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Киши уйга кирадиган бўлса: “Аллоҳим, мен Сендан энг яхши кирадиган ўринни ва энг яхши чиқадиган ўринни сўрайман. Аллоҳ таолонинг номи билан кирдик, Аллоҳ таолонинг номи**

ила чиқдик ва Раббимиз Аллоҳга таваккал қилдик», десин. Сўнг-ра уй ичидагиларга салом бери-син», дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Бешинчи одоб. Салом бериш.

Юқоридаги ҳадисдан кўри-ниб турибдики, уйга салом бериб кириш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидир. Агар салом бериб кирадиган бўлса, уй эгаларининг муҳаббатини қозонади, умр йўлдошига нисбатан янада эътиборли эканини билдиради, ўзаро меҳр-муҳаббат шуъласини алангалатган бўлади.

Жобирхон РАШИДОВ,

Мингбулоқ тумани

“Мулла Тожи Аҳмад”

жоме масжиди имом-хатиби

Умрингизни ғанимат билинг

Умринг оқар дарёга қиёсла- ниши бежиз эмас. Ўткинчи таш- вишлар билан овора бўлиб, умр- нинг ўтиб кетганини сезмай қо- ласиз. Шундай экан, фурсат бо- рида Аллоҳ буюрган амалларни бажариб қолишга улгуришимиз, дунёemizга ҳам, охиратимизга ҳам фойда келтирмайдиган ишлардан четда бўлишимиз лозим.

Ҳадиси шарифларда бемаъни гапни кўп гапирган, беҳуда ишлар билан умрини ўтказган киши қиё- матда қаттиқ савол-жавоб қилини- ши айtilган. Ибн Аббос розиял- лоҳу анҳумодан ривоят қилина- ди. Расулulloҳ соллаллоҳу алай- ҳи ва саллам бир одамга насиҳат қилиб: **“Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат бил: 1) ёшлигини қарилигиндан; 2) саломатли- гини касал бўлишиндан; 3) бой- лигини фақир бўлишиндан; 4) бўш вақтинини машаул бўлма- синдан ва 5) ҳаётлигини ўли- миндан аввал”**, дедилар (Имом Ҳо- ким ривояти).

Умрини беҳуда ишларга сарф- лаб, гуноҳлардан тийилмаган ки- шиларнинг қиёматдаги аҳволи ҳақида Қуръони каримда бундай хабар берилади: **«Улар у жойда: “Парвардигоро, бизларни (азоб- дан) чиқаргин – бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқа- ча яхши (амалларни) қилайлик!” – деб фарёд қилурлар. Ахир, Биз сизларга эслатма олади- ган киши, эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга**

огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (жазола- рингизни) тортаверингиз! Золим- лар (кофирлар) учун ёрдамчи бўл- мас» (Фотир сураси, 37-оят).

Ақлли инсон пушаймонга ўрин қолдирмайди. Мутахассислар хи- соб-китобларига кўра, олтмиш ёшга кирган одам умрининг йи- гирма йилини уйку билан ўтказар экан. Бу даҳшатли рақам. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратли ҳолда ухлаган одамнинг уйкуси ҳам ибодат ҳисобланиши- ни айтганлар. Демак, мўмин киши уйқуни ҳам хайрли амалга айлан- тириши мумкин.

«Абдуллоҳ ибн Умар розиял- лоҳу анҳумо айтади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал- лам менинг елкамдан тутиб бун- дай дедилар: **“Дунёда гўё ғариб- дек ёки йўловчидек бўл”**. Шундан сўнг Ибн Умар розияллоҳу анҳу- мо: “Кеч кирса, тонгни кутиб ўтир- ма, тонг отса, кеч киришини кутиб ўтирма, соғлик вақтингда бемор- лигингда қила олмайдиган ишларингни қилиб қол, ти- риклигингда вафотингдан кейин асқатадиган амал- ларни қилиб қол”, дер эди» (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳ таоло Қуръони каримда хабар беради: **«(Ер) юзидаги барча мав- жудот фонийдир. Улуғ- лик ва Икром соҳиби бўл- миш Раббингизнинг “юзи” боқий қолур»** (Ар-Раҳмон сураси, 26-27-оятлар).

Аллоҳ таолонинг шундай ваъ- даси бор: **«...Агар (берган неъмат- ларимга) шукр қилсангиз, албат- та, (уларни янада) зиёда қилур- ман. Агар ношукрлик қилсангиз, бас, менинг азобим қаттиқдир»** (Иброҳим сураси, 7-оят). Шукр қи- лиш ҳар бир неъматни ўз вақтида ва жойида, исроф қилмасдан та- сарруф этишдир.

Хулоса қилсак, ҳозиргина ол- ган нафасимизни чиқардикми, уни бошқа қайтиб ололмаслиги- миз ҳам мумкин. Дунёда охира- ти учун фойдаланиб қолган киши оқилдир. Зеро, Аллоҳ таоло: **“(У) сизларнинг қайси бирингиз чи- ройлироқ (савоблироқ) амал қи- лувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир, У Азиз (Қудратли) ва Ғафур (Ке- чиримли)дир”** (Мулк сураси, 2-оят) деб марҳамат қилади.

Шерзодбек АҲМЕДОВ,

Мингбулоқ тумани “Мулла Абдураҳмон” жоме масжиди имом-хатиби



Муҳим саналар

Йил бўйи кенгчилик кафолати

1-бетда

Суфён Саврий раҳимахуллоҳ айтади: “Биз буни тажриба қилиб кўрдик ва ана шундай бўлишини топдик”.

Имом Байҳақий ҳам “Шуабул иймон”да Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Ҳурайра, Абу Саид ва Жобир розияллоҳу анҳумдан ривоят қил- ган. Имом Байҳақий ўзи ривоят қилган ҳадисни заиф санаган.

Мирк (яъни, Миркалон) раҳ- матуллоҳи алайҳ Мунзирийнинг “ат-Тарғиб” китобидан нақл қилиб, бундай деган: “Албатта, бу ҳади- си шарифни Байҳақий бир неча йўллар билан саҳобалар жамо- асидан ривоят қилган. Гарчи бу санадлар заиф бўлса-да, баъзи- си бошқасига қўшилиши билан қувватланади”.

Ироқий айтади: “Бу ҳадис- нинг бир қанча йўллари бор. Унинг баъзиларига саҳиҳ деб

қарор берилган. Баъзиларига эса, Имом Муслимнинг шартига кўра саҳиҳ дейилган. Аммо Ашу- ро кунда рўза тутиш ва кенгчи- лик яратишдан бошқа амаллар- нинг асли йўқдир. Жумладан, сур- ма қўйиш ҳадисининг ҳам асли йўқдир” (“Мирқотул мафотих”).

Суфён ибн Уяйна: “Биз буни эл- лик ёки олтмиш йил тажриба қи- либ кўрдик ва фақатгина яхшилик кўрдик”, деган.

“Ал-Муҳит” китобида бундай дейилган: Жобир раҳматуллоҳи алайҳ: “Мен қирқ йил тажриба қилдим, бўлмай қолмади”, деган.

Аммо кенгчилик яратишдан бошқа ишларни, яъни Ашуро кун- кундузи ёки кечаси байрам қи- лиш, сурма қўйиш, бўяниш каби ишларни жумҳур фуқаҳолар – ҳанафий, моликий, шофеъий ва ҳанбалийлар бидъат деганлар. Бу ишларнинг бирортаси мустаҳаб

эмас. Бу ҳақда келтирилган ри- воятлар бидъатчиларнинг тўқи- маларидир (“Мавсуатул фикҳийя”).

Имом Байҳақий “Ким ашуро кун- исмид сурмасини қўйса, ҳеч қачон кўзи оғримайди” ҳадисини заиф деб ривоят қилган. Лекин бу ҳадисни Имом Ҳоким раҳматул- лоҳи алайҳ мункар ҳадис деган (“Ҳошияту Ибн Обидийн”).

Шунинг учун Ашуро кун- бун- дай ишларни қилиш бидъат хи- собланади. Аммо юқорида кел- тирилган ҳадисга биноан, Ашуро кун- оиласига кенгчилик қилса, рўзғорини бут қилиб олса, йил- нинг қолган ойлари ҳам барака- ли бўлиши умид қилинади.

Қудратуллоҳ СИДИҚМЕТОВ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти катта ўқитувчиси

Масала

3-бетда

САВОЛ: Дўстимнинг отаси бир аёлга уйлانган. Аёлнинг ўзи билан олиб кел- ган қизи ҳам бор. Дўстим шу қизга уйланса бўладими?

ЖАВОБ: Ҳа. Ўғил ўғай онасининг бошқа эридан бўлган қизига уйланса бўлади.

САВОЛ: “Масжиди На- бавий”да бомдод намози- да имом замсурага саж- да ояти бор сурани ўқиди. Сажда оятини ўқиб, тило- ват саждасини қилиш учун такбир айтиб саждага кет- ди. Биз руку қияпти деб ру- куга кетдик. Имом яна так- бир айтиб қиёмга қайт- ди. Сурани тугатиб, руку қилди. Биз ҳам қўшилиб руку қилдик ва шу тарзда имом билан бирга намоз- ни тугатдик. Намозимиз бузилмаганми?

ЖАВОБ: Икки Ҳарами шарифда кўп ҳолларда имомлар жума куни бом- дод намозида Сажда сура- сини зам қилади. Бу сура- да сажда ояти бор. Имом- лар сажда ояти келган- да такбир айтиб саждага бориб, сажда қилиб, яна тик туради. Ҳаж ёки умра- га бораётган зиёратчилар шуни билишлари лозим.

Сиз сўраган ҳолатда намоз бузилмайди. Чун- ки бунда намоз рукнла- ридан ҳеч бири тарк бўл- маган. Билмасдан тило- ват саждаси қилинмагани учун гуноҳ ҳам бўлмайди. Уламолар фарз амалларда имомга эргашмаслик на- мозни бузади, дейишган. Лекин сизнинг ҳолатин- гизда барча фарз амал- лар имом билан бирга ба- жарилган. Фақат ортиқча руку қилинган. Бу намоз- ни бузмайди.

“Намоз фарз амаллар- да имомга мутлақ эргаш- маслик билан бузилади. Яъни, имомга эргашмас- лик туфайли эмас, балки фарз амални тарк қилиш сабабли намоз бузилади. Чунки вожиб ёки суннатда имомга эргашмаслик би- лан намоз бузилмайди” (“Раддул муҳтор”).

Саждаи тиловат қилиш вожиб амал бўлиб, вожиб амални бажармагани са- бабли намоз бузилмайди.

7-бетда

Буюк аجدодларга муносиб ворислик

1-бетда

Юртимизнинг таниқли олимлари, мутахассислари, илмий изланувчилари, ҳатто хорижнинг етук алломалари жалб қилиниб, аجدодларимиз қолдириб кетган бой илмий-маънавий мерос намуналари тадқиқ этилади, таржима ва тадқиқ қилинади, таҳлил қилинади. Ислом цивилизацияси маркази юртимизда илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун энг муҳим масканга айланишига ишонамиз.



Тадбирда бугунги кунда юртимиз олимлари олдида катта вазифалар тургани, уларнинг барчаси мамлакат юксалиши ва тараққиёти билан боғлиқ экани, бундай

шарафли ва масъулиятли юмушни амалга ошириш юксак ватанпарварлик, фидойилик ва жонқуярликни талаб қилиши ҳақида фикр-мулоҳаза-лар билдирилди.

Анжуман иши шўъбаларга бўлинган ҳолда давом этиб, Ислом цивилизацияси марказининг келгуси фаолиятига бағишланган семинар ва тақдимотлар бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг уламо ва имом-хатиблари фаол қатнашиб, мавзулар доирасида ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлашди.

Ўз мухбиримиз

Юртимиз уламолари

Саййид Носирхон Тўра Косоний

Саййид Носирхон Тўра Косоний бутун умрини халқ маънавияти ва маърифатни юксалтиришга, муқаддас динимиз хизматида бағишлаган. Шу боисдан ҳам алломанинг ҳаёти ва фаолияти кишилар учун ибратдир.

У зот 1873 йилда Наманган яқинидаги Косон қишлоғида мударрис оиласида туғилган. Саййид Носирхон Тўра ҳазратлари насаб жиҳатидан Расулимиз алайҳиссаломга боғланган.

Саййид Носирхон Тўра илк таълимни ўз отасидан олган. Сўнгра Наманган, Бухоро мадрасаларида ўқийди. Ушбу таълим даргоҳларини тамомлагач, Бағдод, Деҳли, Ҳижоз ва Кобул шаҳарларидаги машҳур билим масканларида таҳсилни давом эттиради. У кўп

ўтмай замонасининг илғор олимларидан бири бўлиб етишади ва Наманганга қайтиб “Мавлавий” ва “Мулла Қирғиз” мадрасаларида мударрислик қила бошлайди.

1913 йил уламо ҳаж сафарига отланади. У йўл-йўлакай ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган ислохотлар, илм-фандаги кашфиётларни синчиклаб ўрганади. Ўз ўрнида мусулмон ўлкаларида ҳукм сураётган турғунлик ва турли баҳс-мунозаралардан ташвишга тушади. Шу туфайли ҳам она-Ватанга қайтиши билан ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиб, уларга диний ва дунёвий билим беришга бел боғлайди.

1913 йилдан бошлаб Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. Мамлакатдаги маънавий, маърифий ҳамда сиёсий таназзулни ақл-идрок ва илм билан бартараф этиш лозимлигини тўғри англаган Саййид

Носирхон Тўра турли йўللار билан одамларни маърифатли қилиш учун ҳаракат қилади. Шу мақсадда отаси раҳбарлик қиладиган босмахонада бир қатор китоблар нашр эттиради.

Мустамлака зулмига қарши маърифат билан кураш олиб борган Саййид Носирхон Тўра ва унинг яқинлари бошига кўп синовлар келади. 1918 йил февралда Саййид Носирхон Тўра Наманганда ҳибсга олинади. Амнистия туфайли озод бўлгач, бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечирилади. Аммо Саййид Носирхон Тўра бир дам бўлсин юрт қайғусидан чекинмайди. Барибир зимдан мустамлака тузумга қарши курашаверади. Айни шу “қилмиши” учун бир неча марта қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Ҳатто совуқ ўлкаларда сургунда бўлади. 1928 йилнинг сентябрида у ҳамма синовлардан эсон-омон қутулиб, Наманганга қайтади.

Олимнинг кейинги ҳаёти ҳам талотўпларга тўла бўлди. Жазо муддатини ўтаб бўлгандан сўнг ҳам мустамлакачилар зулмидан қутулмади. У ва унга яқин инсонлар қочиб, яшириниб яшашга мажбур бўлади. Аммо 1930 йилнинг 15 июлида улар Ўшда қўлга олинади. Саййид Носирхон Тўра 1930 йил 27 ноябрда отишга ҳукм қилинади. Натижада у 1931 йил 13 апрелда 58 ёшида Тошкент шаҳрида отиб ташланади. Унинг сафдошлари ҳам мана шундай қисматга дучор бўлишади.

Саййид Носирхон Тўра умрининг охирига қадар иймонига содиқ, миллатпарвар, тақводор ва олим бўлиб қолди. Аллоҳ у зотни раҳматига олсин!

А. АБДУЛЛАЕВ,

Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
“Тиллар” кафедраси
ўқитувчиси

Мўътабар манбалар

Абу Лайс Самарқандий “Баҳрул улум” асарида оятларни тафсир қилишда саҳиҳ ривоятларга таянган ва баъзи ўринларда мусанниф ўз фикри билан илмий асосда изоҳлар берган.

Ал-Азҳар университети араб тили факультети илмий ходимлари Али Муҳаммад, Одил Аҳмад ва Закариё Абдулмажид “Баҳрул улум” асарини бошидан охиригача таҳқиқ ва тадқиқ этган. Ушбу тадқиқот икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида Абу Лайс Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди, тафсир мактаблари ҳамда услуби ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Иккинчи қисмида эса асарнинг учта қўлёзма нусхаси асосида таҳқиқи

амалга оширилган. Тадқиқот уч жилддан иборат ва умумий варақлари сони 1689 тани ташкил этади. Байрутнинг “Дорул кутуб ал-илмия” нашриётида 2006 йилда чоп этилган. Мазкур асар Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида 952-рақам остида сақланади.

Тадқиқотчилар асарнинг учта қўлёзма нусхасини асос қилиб олишган. Улардан бири Эдинбург университети “Chester Beatty” кутубхонасида 3688-рақам остида сақланади. Ушбу нусха 4 жилддан иборат. Биринчи жузи Фотиҳа сурасидан Иброҳим сурасининг

охиригача, иккинчиси эса Марям сурасидан китоб охиригача бўлган қисмини ўз ичига олади. Ҳижр, Наҳл, Исро ва Каҳф суралари йўқ. Умумий варақлари сони 352 та ва ҳар бир саҳифасида 24 та қатор мавжуд. Аввалги ғилофида Юнус ибн Иброҳим уни қонуний сотиб олгани ҳақида маълумот ёзилган.

Иккинчи қўлёзма “Дорул кутуб ал-Мисрия” кутубхонасида 56-рақам остида сақланади. Ушбу нусха тўлиқ бўлиб, варақлари сони 543 та ва саҳифаларида 29 тадан қатор бор. Хатлари равон, оятлар қизил сиёҳ билан кўчирилган. Қўлёзма охирида ҳижрий 992 йил,

муҳаррам ойининг якшанба куни ёзиб тугатилгани ҳақида маълумот бор. Бироқ котибнинг исми келтирилмаган.

Учинчи қўлёзма ҳам “Дорул кутуб ал-Мисрия” кутубхонасида 6-рақам билан сақланади. Варақлари сони 542 та, ҳар бир саҳифа 29 қатордан иборат. Ушбу нусха ҳам равон ёзилган ва охирида юқоридаги 56-рақамли нусхадаги маълумотлар келтирилган.

Адҳамбек ЯНГИБОЕВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси бўлими кичик
илмий ходими.



Исломни олтинчи бўлиб қабул қилган зот

Хаббоб ибн Арат розияллоху анху Умму Анмор исмли аёлнинг қўлида қул эди. Аммо у темирчилик ва қилич ясашда Маккадаги энг моҳир ва машҳур уста бўлган. Қолаверса, Исломни олтинчи бўлиб қабул қилган ва бу ишини биринчи бўлиб ошкор этган, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга ғазотларда қатнашган саҳобадир. Шунинг учун ҳам кўп азият чеккан.

Хаббоб ибн Арат жоҳилиятнинг чиркин зулматларидан нурга чиқишни орзу қиларди. Бу нурни Сарвари олам соллаллоху алайҳи ва салламнинг тилларидан топди. Расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам келтирган дин ҳақ эканлигига бир он ҳам тараддуд қилмай, Пайғамбар алайҳиссалоти ва салламнинг муборак қўлларини тутиб, “Ашҳаду алла илаҳа иллоҳ, ва ашҳаду аннака расулulloх”, дея иймон келтирди. Бу хабар бутун Маккага овоза бўлди. Хусусан, бу ишдан Умму Анморнинг фиғони фалакка етди. У бир неча яқинларини йиғиб Хаббобнинг олдида бориб: “Сен диндан қайтиб, Бану Ҳошимдан бўлган Пайғамбарнинг хабарларини тасдиқлабсанми?” деди. Хаббоб хотиржамлик билан: “Мен диндан қайтганим йўқ, балки яқкаю ёлғиз Аллоҳга ва У зотнинг бирон шериги йўқлигига иймон келтирдим” деди. Шу заҳоти

улар Хаббобни тепкилаб кетди. Кўп ўтмай, Хаббоб розияллоху анху қип-қизил қонга беланди. Бу воқеадан бутун Қурайш аҳли даҳшатга тушди. Зеро, Хаббобдан аввал бирон киши мушриклар орасида Исломни ошкор қилишга журъат этмаган. Бу ҳолатдан таъсирланган бошқа мусулмонлар ҳам ўз иймонларини яширмайдиган бўлдилар. Буни кўрган Қурайш мушриклари Каъба ёнига тўпланиб, машварат қилишди. Улар ҳар ким ўз яқинларидан Исломни қабул қилганларини билса, уларни бу йўлдан қайтариш учун қўлидан келганини қилишга келишишди.

Хаббобнинг ақлини киритиш Умму Анморнинг акаси Сибобга юклатилган эди. У Хаббобни жазирамага олиб чиқиб, қип-яланғоч баданига темир совутни кийдириб босар, бир неча кунлаб сув бермай азоблар эди. Қийноқ сўнгги палласига етганида, Хаббобга: “Муҳаммад ҳақида нима дейсан?” деб сўрайди. У: “У зот Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари ва бандасидир. Бизни зулматдан нур сари етаклаш учун ҳақ динни келтирган” деб иймонда собит туради. Сибоб эса баттар жиғибийрон бўлар ва қийноқни янада кучайтирар эди.

Орадан бироз ўтиб: “Лот ва Уззо ҳақида нима дейсан?” деб яна саволга тутди. У эса: “Улар кар ва соқов, на фойдаси ва на зарари бор ҳайкаллар” деб жавоб қилади. Сибоб яна қайноқ тош билан Хаббобнинг орқасини куйдириб, у тошни елкадаги ёғлар эриб кетгунига қадар босиб туради. Умму Анмор ҳам акасидан қолишмас эди. Хаббобнинг ёнидан ўтиб қолса, босқондан қизиб турган темирни олиб

Хаббобнинг бошига босар эди. Бош тутаб, Хаббоб ҳушидан кетарди.

Хаббоб розияллоху анху ҳазрати Умар розияллоху анху-га бундай ҳикоя қилиб берган: “Мушриклар олов ёқиб, чўғ қилар ва шу чўғ устидан мени судраб ўтардилар. Чўғ елкамдан оқиб тушган эриган тернинг суви билан ўчарди”.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ҳижрат хушхабарини берганларида барча мусулмонлар қатори Хаббоб ҳам Маккадан чиқишга аҳд қилди. Ҳижратдан аввал Аллоҳ таоло у кишининг Умму Анморнинг ҳаққига қилган баддуоларини ижобат қилди. Умму Анморнинг боши қаттиқ оғрийдиган бўлиб қолди. Фарзандлари уни энг яхши табибларга кўрсатди. Табиблар оғриётган бошни куйдиришдан бошқа йўл қолмаганини айтишди.

Ҳижрат Хаббоб ибн Арат учун ёруғ кунларнинг нишонаси эди. Вақт ўтган сари мусулмонлар кўпаяр, Ислом қувватга кириб борарди. Шундай пайтда мусулмонлар мушрикларга қарши жанг қилдилар. Бу жанг тарихда “Бадр ғазоти” деб ном олган. Тақдирни қарангки, унда золим Сибоб Хаббоб розиллоху анхунинг қўлидан ўлим топди.

Хаббоб кейинчалик Куфага кўчиб ўтиб, ўша ерда ҳижрий 37-йили, 63 ёшида вафот этди. Имом Табарий раҳимахуллоҳ қайд этишича, Хаббоб ибн Арат Куфада биринчи дафн қилинган саҳоба бўлган.

Маҳмуд ДИЛМУРОД,
Ҳадис илми мактаби
талабаси

Тафаккур

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Сен уларга: “Айтинг-чи, агар Аллоҳ кечани қиёмат кунигача доимий қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ сизга ёруғлик келтира олур? Эшитмайсизларми?!” деб айт. Сен уларга: “Айтинг-чи, агар Аллоҳ кундузни қиёмат кунигача доимий қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ сизларга ором оладиганингиз кечани келтира олади?! Кўрмайсизларми?!” деб айт» (Қасас сураси, 71–72-оятлар).

Аввалги оятда кеча ҳақида сўз бориб, “эшитмайсизларми” деган хитоб билан тугамоқда. Чунки тунда кўришдан кўра эшитиш имконияти юқорироқ бўлади. Кейинги оятда эса кундуз ҳақида сўз келиб, “кўрмайсизларми” деган хитоб билан тугаган. Зеро, кундузи кўз билан кўриш, мушоҳада қилиш имконияти эшитишга қараганда кучлироқдир.

Ҳақиқатан, кечаси қулоқ кўздан кўра фаолроқ бўлиб, кўпроқ маълумот олади. Шунинг учун

қоронғиликда кўриш эмас, эшитиш устунлик қилади. Кундузи эса кўриш фаоллиги ошиб, қулоққа нисбатан атроф-муҳитни кўпроқ англай олади, шунинг учун ҳам ёруғликда кўриш эшитишдан кучлироқ ҳисобланади.

Шу каби мисоллар Қуръони каримнинг ҳақ ва мукаммал эканини яна бир бор исботлайди.

Фулом ЖУМАНОВ,
Ғаллаорол тумани
бош имом-хатиби

Масала

5-бетда

САВОЛ: Маййитнинг боши оёқ томонга қилиб дафн қилингани маълум бўлса, нима қилиш керак?

ЖАВОБ: Бундай ҳолатларда қабр очилмайди. Чунки бу маййитга ҳурматсизлик ва озор бериш ҳисобланади. “Агар маййит қиблага тескари ҳолда ёки боши оёғи томонга қилиб кўмилган бўлса ва устига тупроқ тортилган бўлса ҳам қабр қайта очилмайди. Аммо лаҳаднинг оғзи ғишт билан тўсилган бўлсаю, ҳали тупроқ тортилмаган бўлса, лаҳадни очиб, маййит суннатга мувофиқ дафн қилинади (“Фатавойи Оламғирийя”).

САВОЛ: Ташахҳуд охиригача ўқилмай қолса, намоз бузилмайдими?

ЖАВОБ: Намозда ташахҳудни тўлиқ ўқиш – вожиб. Бирор қисми унутиб тарк этилса, саждаи саҳв вожиб бўлади.

“Намознинг еттинчи вожиби – ташахҳуд ўқиш. Унинг гарчи озини тарк қилса ҳам “Зоҳирур ривоя”га кўра, саждаи саҳв вожиб бўлади. Чунки ташахҳуднинг барчаси битта, яхлит зикр ҳисобланади. Унинг баъзисини тарк қилиш ҳаммасини тарк қилиш ҳукмида бўлади. Бу ҳолат қайси қаъдада содир бўлишининг фарқи йўқ” (“Баҳрур роиқ”).

САВОЛ: Сотиб олган шимининг 70 фоизи сунъий ипакдан тайёрланган экан. Бундай шимни кийиш эркакларга жоизми?

ЖАВОБ: Сунъий ипак ҳақиқий ипакка муқобил равишда ишлаб чиқарилган мато тури холос. Унга ҳақиқий ипакнинг ҳукми берилмайди. Ундан тикилган кийимларни кийиш эркаклар учун жоиз. Ҳадисларда тақиқланган ипак ҳақиқий, табиий ипақдир.

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ипак кийим ва тилла умматининг эркакларига ҳаром қилинди, аёлларига ҳалол қилинди», дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Ипакнинг эркакларга ҳаром қилиниши ҳикмати, бу мато жуда нафис ва мулойим бўлиб, аёллик табиати ҳамда латофатига мос келади, эркакларнинг табиатига эмас.

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

“Қози Сайфуллоҳ” жомеи



“Қози Сайфуллоҳ” София шаҳрида фаолият юритадиган ягона масжид ҳисобланади. Яна уни “Мулла афанди” ҳам дейдилар. Масжид Қози Сайфуллоҳ

афанди деган мулла кишининг ташаббуси ва ҳомийлигида барпо этилган. Масжидни машҳур усмоний меъмор Хожа Меъмор Синан курган.

Мутахассислар фикрича, Болгария пойтахтидаги ушбу масжид 1566-67 йилларда қурилган. Масжид турк ҳаммомига яқин жойдан барпо этилгани учун халқ тилида “Баня боши” номи билан машҳур. 1913 йилда шаҳарнинг янги жамоат ҳаммоми қурилганидан кейин турк ҳаммоми бузиб ташланган.

“Қози Сайфуллоҳ” София шаҳрининг қоқ марказидаги 14-Мария Луиза бульвариди,

Халита сайёҳлик бозорининг рўпарасида жойлашган. Масжиднинг орқасида Банский майдони ва София минерал ҳаммомлари жойлашган бўлиб, улар ҳозирда София тарихи музейига айлантирилган.

“Қози Сайфуллоҳ” масжидига 700га яқин намозхон сиғади. Софияда 30 мингдан ортиқ муслмон бор. Масжид минорасига овоз кучайтиргич ўрнатилган ва намоз вақти кирганида муаззин айтган азонни София марказининг барча аҳолиси эшитади. “Қози Сайфуллоҳ” сайёҳлик объекти ҳисобланиб, унга сайёҳ ва зиёратчилар бемалол киришлари мумкин. Фақат аёллар танасининг очик жойларини беркитиб, бошларига рўмол ташлаб олиши керак бўлади. Бунинг учун кираверишга катта рўмоллар илиб қўйилган. Шунингдек, киришдан



олдин пойабзални ечиш талаб қилинади. Масжиднинг ичига чўдек қип-қизил гилам тўшалган.

Болгария озод бўлганида Софияда, баъзи манбаларга кўра, ўттизга яқин масжид бўлган, айрим маълумотларга кўра, ўша даврда 50–84 тагача миноралар бош кўтариб, шаҳарга кўрк бериб турган.

Дамин ЖУМАҚУЛ

Тиббиёт бурчаги

Артрит ва ревматизмда

Артрит ва ревматизмда бақлажонли компресс фойда беради. Бунинг учун бир ош қошиқ истеъмол содасини 500 ml сув билан аралаштириб, оғриётган жойингизга суртинг, сўнг иссиқ сувда бироз ивигилган бақлажон бўлагини қўйиб, устидан мато билан боғлаб, 3 соат кутинг. Компрессни ечгандан сўнг илиқ сувда ювиб, ўсимлик мойидан суртиб қўйинг.




Бақлажонли ниқоб. Яримта бақлажонни қирғичдан ўтказиб, унга 1 ош қошиқ қатиқ ва бир неча томчи алоэ шарбатидан қўшинг. Тайёр ниқобни

юзга суртиб, 15 дақиқадан сўнг юзни ювиб, муз бўлагиди артинг. Қарабсизки, юзингиз тиниқлашади.

Тишларни оқартирувчи восита. Бир донга бақлажонни майда тўртбурчак шаклида тўғраб, қизиб турган газ печига қўйинг. Сабзавот тўқ тусга киргунича турсин. Сўнг уни майдалаб бўтқа ҳолатига келтириб, 1:1 нисбатда ош тузидан соласиз. Ушбу воситани тиш пастаси ўрнида фойдаланишингиз ва музлаткичда 1 ҳафта сақлашингиз мумкин.

Буйрак яллиғланишида


Буйрак ва сийдик йўллари касалликларида далачай (зверобой) ўсимлиги яхши наф беради. Бунинг учун оғзи ёпиладиган идишга 300 ml қайноқ сув ва унинг устидан 150 gr майдаланган далачай ўсимлигини солиб,



10 дақиқа қайнатинг. Сўнг совутиб, сузиб олинг. Тайёр малҳамни кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат аввал 2 ош қошиқдан истеъмол қилинг. Муолажа давомийлиги 3–4 кун.

Гайморитда

Пиёлага 1 чой қошиқ асал, кейин шунча миқдорда истеъмол содаси ва шунча миқдорда кунгабоқар ёғини солиб, яхшилаб аралаштиринг. Ўнг томонга ёнбошлаб ётган ҳолда қоришмага ботирилган пахтали тампонни буруннинг чап қавагига 15 дақиқа суриб қўйинг. Сўнг то-



монларни ўзгартиринг. Муолажа мутлақо оғриқсиз бўлиб, уни 3–4 марта қўлласангиз, сизни ушбу дарддан фориг қилади.

Ёнғоқли шарбат

Кечқурун бир стакан сувга пўсти тозаланган бир донга ёнғоқ солиб қўйилади. Эрта-лаб оч қоринга унинг сувини



ёки ёнғоқлари билан ичилади. Ушбу шарбат танадаги ортиқча ёғни камайтиради, қондаги шакар миқдори ва юрак уришини меъёрга солиш, Алсгеймер (хотира заифлашиши) касаллиги хавфини камайтиради, қабзийат ва бошқа қатор касалликларни даволашда фойда беради.

Анора ҒУЛОМОВА тайёрлади.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Shamsuddinxon Bobobxonov» НМИУ жамоаси **Солиҳова Раҳима Каримжон қизининг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига, барча яқинларига чуқур таъзия билдиради. Меҳрибон Раббимиз марҳумани мағфират қилсин, раҳматига буркасин, Исломи дини йўлида қилган хизматларига яраша ажрларини қўпайтириб берсин.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Bobobxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамол нури

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBAYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi: Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIIDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: **Dilmurod SODIQOV**
Musahhiha: **Zebo OMONOVA**
Sahifalovchi: **Komiljon MAHMUDOV**
Ekspertizaga berildi: 01.07.2024
Xulosa (№03-07/3946) olindi: 08.07.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOBXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.550
24-3/13-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!